



ekspertlarning eshittirishlarga taklif qilinishi ko‘pincha Kongressdagi ko‘pchilik o‘ringa ega partiyaning siyosiy ustuvorliklariga bog‘liq bo‘ladi. Masalan, 1994-yilgacha, ya’ni Kongressdagi ko‘pchilik demokratlar nazoratida bo‘lgan davrda, Brukings instituti xodimlari eng ko‘p taklif qilingan ekspertlar hisoblangan. Ikkinchi o‘rinda esa, nisbatan konservativroq siyosatni ilgari surgan Amerika tadbirkorlik instituti vakillari turardi. 1995-yilda esa respublikaliklar Kongressda ko‘pchilikni qo‘lga kiritgach, eshittirishlarda Meros jamg‘armasi vakillari faolroq ishtirok eta boshladilar.

Umuman olganda, “aql markazlari” AQSh tashqi siyosatining shakllanishida strategik yo‘nalishlarni belgilash, siyosatchilar ongini yangi g‘oyalar bilan boyitish va siyosiy qarorlarni qo‘llab-quvvatlashda hal qiluvchi rol o‘ynaydi. Ularning faoliyati va ta’siri nafaqat AQShda, balki butun dunyoda global siyosat tendensiyalarini aniqlashda ham namoyon bo‘ladi.

Neokonservativ “aql markazlari” zamonaviy siyosiy tizimda tashqi siyosat strategiyalarini shakllantirishda muhim agentlar sifatida faoliyat yuritadi. Ularning siyosiy jarayonga ta’sir mexanizmlari kompleks va ko‘p qirrali bo‘lib, ilmiy ekspertiza, siyosiy integratsiya, kommunikatsiya strategiyalari hamda moliyaviy resurslar orqali amalga oshiriladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Адил Ч. Роль экспертно-аналитических центров в принятии внешнеполитических решений: опыт России и Польши: дис. ... канд. полит. наук. – Нижний Новгород, 2025.
2. Хаас Р. “Мозговые центры” и американская внешняя политика: точка зрения политика // Внешняя политика США. – 2002. – Т.7, №3. <http://usinfo.state.gov/journals/ips/1102/ijpr/pj73haass.htm>
3. Project for the New American Century. Rebuilding America’s Defenses: Strategy, Forces and Resources For a New Century. – Washington, D.C.: PNAC, 2000. – 90 p. – P.51.
4. Mann J. Rise of the Vulcans: The History of Bush's War Cabinet. – New York: Viking, 2004. – 420 p. – P.120.
5. Anderson J. Think Tanks and Policy Influence: The Power of Expertise. – New York: Palgrave Macmillan, 2011. – 240 p. – P.68.
6. Мирзаян Г.В. Аналитические центры и процесс принятия решений в США. Журнал «Россия и Америка в XXI веке». – № 3, 2011. – С.38.// Электронная публикация: Центр гуманитарных технологий. – 27.08.2011. URL: <https://gtmarket.ru/library/articles/4567>
7. Smith J. Neoconservatism and the American Government. – New York: Oxford University Press, 2007. – 210 p. – P.89.
8. Bush G.W. Remarks at the American Enterprise Institute for Public Policy Research // The American Presidency Project. 2003. <https://www.presidency.ucsb.edu/documents/remarks-the-american-enterprise-institute-for-public-policy-research-0>
9. Johnson M. The Role of Think Tanks in Policy Making: AEI’s Influence on Government Officials. – Washington, D.C.: Policy Press, 2010. – 150 p. – P. 32.
10. Center for Strategic and International Studies (CSIS). Abshire-Inamori Leadership Academy (AILA). – 2024. <https://www.csis.org/programs/abshire-inamori-leadership-academy>
11. O‘rmonjonov Azizbek Muhammadjon o‘g‘li. (2025). INKLYUZIV TA’LIMNING MUSIQATA’LIMDAGI O‘RNI VA AHAMIYATI. TA’LIM VA TARAQQIYOT, 4(3), 607-613.

ТРИТИКАЛЕНИ ЎСУВ ДАВРИ ДАВОМИЙЛИГИГА ЭКИШ МУДДАТИ ВА МАЪДАНЛИ ЎЎИТЛАР МЕЪЁРЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ

Джўраев Муқимжон Яқубжонович,
*Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институти,
лаборатория мудири доцент,
Кушматов Бахтиёр Саъдуллаевич, мустақил изланувчи*

Аннотация. Андижон вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида тритикалени тритикалени маъданли ўғитлар билан озиклантириш униб чиқиш даврига умуман таъсири кузатилмади аммо, униб чиқиш-туплаш, униб чиқиш-найчалош, униб чиқиш- бошоқлаш ва униб чиқиш-тўлиқ пишиш давларида экиш меъёрлари ва маъданли ўғитлар билан озиклантириш ўз таъсирини кўрсатди. Тритикалени кузги экиш муддатида экиш меъёрларини гектарига 2,5 млн. донадан 3,0 млн. донага оширилиши ўсув даврини 2-3 кунга, 3,5 млн. донага оширилиши эса 3-4



кунга қисқартиради. Шунингдек, Р30К30 фонида азотли ўғитлар меъёрини гектарига 30 кгдан 40, 50 кг.га ошириб борилиши ўсув даврини 1-2 кунга узайтиради.

Калит сўзлар. Тритикале, оксил, кекс, печенье, вафли, кўй, эчки, туя, қорамол, силос, гарох, омукта-ем, токсин, меъёр, қатқолоқ, касаллик, зараркунанда.

ВЛИЯНИЕ СРОКОВ ПОСЕВА И НОРМЫ УДОБРЕНИЙ НА ПРОДОЛЖИТЕЛЬНОСТЬ ПЕРИОДА РОСТА ТРИТИКАЛЕ

Джураев Муқимжон Яқубжонович

НИИ зерновых и бобовых культур, заведующий лабораторией, доцент

Email: muqimjon83@gmail.com

Кушматов Бахтиёр Садуллаевич, независимый исследователь

Аннотация. В условиях светло-сероземных почв Андижанской области подкормка тритикале минеральными удобрениями не оказала влияния на сроки прорастания, однако нормы высева и внесение минеральных удобрений в периоды всходы-колошение, всходы-клубнеобразование, всходы-колошение и всходы-полная спелость проявили свой эффект. При осеннем посеве тритикале увеличение нормы высева с 2,5 млн до 3,0 млн зерен на гектар сокращает сроки прорастания на 2-3 дня, а до 3,5 млн зерен – на 3-4 дня. Также увеличение нормы азотных удобрений с 30 кг до 40,50 кг на гектар на фоне Р30К30 удлиняет сроки прорастания на 1-2 дня.

Ключевые слова. Тритикале, белок, жмых, печенье, вафля, овца, коза, верблюд, крупный рогатый скот, силос, гарокс, корм, токсин, норма, вредитель, болезнь, вредитель.

INFLUENCE OF SOWING TIMING AND FERTILIZER RATES ON THE DURATION OF THE TRITICALE GROWTH PERIOD

Juraev Mukimjon Yakubzhonovich

Research Institute of Grain and Legume Crops, Head of Laboratory, Associate Professor

Email: muqimjon83@gmail.com

Kushmatov Bakhtiyor Sadullaevich, independent researcher

Abstract. In the light gray soils of the Andijan region, fertilizing triticale with mineral fertilizers had no effect on germination time. However, seeding rates and application of mineral fertilizers during the germination-to-heading, germination-to-tuber formation, germination-to-heading, and germination-to-full maturity periods were effective. When sowing triticale in the fall, increasing the seeding rate from 2.5 million to 3.0 million grains per hectare reduced germination time by 2-3 days, and to 3.5 million grains per hectare, by 3-4 days. Increasing the nitrogen fertilizer rate from 30 kg to 40.50 kg per hectare at a Р30К30 concentration also extended germination time by 1-2 days.

Keywords. Triticale, protein, cake, biscuit, wafer, sheep, goat, camel, cattle, silage, garox, feed, toxin, norm, pest, disease, pest.

Лалмикор майдонларда кузги бошоқли дон экинларини униб чиқиши, ривожланиш фазаларининг давомийлиги жуда кўп омилларга, ҳар бир минтақанинг иқлим шароити, шу минтақада куз ойларида бўладиган ёғин сочин микдори, тупроқ намлиги, унумдорлиги, ҳаво харорати, ёруғлик, навнинг биологияси ва қўлланиладиган агротехнологик тадбирларга боғлиқ.

Бошоқли дон экинлари учун энг мақбул давр бу уруғларнинг тиним даври ҳисобланади. А.И.Гробесов ва А.В.Крохмальнинг таъкидлашича, Ростов вилояти шароитида тритикаленинг янги йиғиб олинган уруғлари тиним даври кузги буғдойникига қараганда камроқ давом этади. Бундай шароитларда ҳосилни йиғиштириб олиш даврида оналик ўсимликда доннинг униб чиқиши каби хавфли ҳодисалар кузатилади ва бу ҳодиса ўз навбатида уруғларнинг технологик хусусияти пасайишига олиб келади [7].

Кўпгина тритикале навлари буғдой навлари билан бир вақтда, баъзан олдинроқ гуллайди, лекин бироз кеч пишиб етилади. Шунинг учун қўлланиладиган агротехник тадбирлар ҳар бир нав ва минтақа шароитидан келиб чиқиб қўлланилиш керак [3].

Тритикале донининг униб чиқиши буғдойникига қараганда тезроқ



(2-3) кун олдинроқ кузатилади. Униб чиқиши учун мақбул температура 18-25 °C ни ва тупроқ намлиги 25 мм бўлиши керак. Тритикаленинг ривожланиш жараёни ҳам худди бугдойники каби кечади [4;5].

Найчалаш даври тиним даврини ўтагандан сўнг 30-40 кундан кейин кузатилади. Бошоқлаш даври эса байроқча баргнинг пайдо бўлиши билан характерланади. Бу даврда тупроқ намлиги ва ҳаво ҳарорати ўсимлик учун жуда муҳимдир. Тупроқда намлик етишмаслиги ва ҳаво ҳароратининг меъеридан ортиши бошоқнинг ривожланиши ва шаклланишига салбий таъсир кўрсатади [6].

Ўсимлигининг гуллаш даври бошланиши тўлиқ бошоқлагандан кейин 5-6 кунда бошоқ ўртасидаги яхши ривожланган бошоқчалардан бошланади [8].

Кузги бошоқли дон экинларини парвариш қилишда маъданли ўғитлар меъерининг ортиб бориши ўсимлик ўсув даврининг 2-3 кун узайишига сабаб бўлади. Шунингдек нотўғри қўлланилган агротехник тадбирлар бошоқларнинг бир вақтда пишиб етилмаслигини, натижада, доннинг пуч бўлиб қолишига олиб келади [1;2].

Андижон вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида тритикале экинини экиш муддатлари, уруғ ва маъданли ўғитлар меъёрига боғлиқ ҳолда ўсув давлариаро ривожланишига сезиларли таъсирини кўрсатди.

Тажрибанинг кузги (1-10.11) муддатда экиш меъёри 2,5, 3,0 ва 3,5 млн. дона унувчан уруғ ҳисобида экилганда уруғларнинг униб чиқиши 38 кунни, униб чиқиш-туплаш даври экиш меъёри 2,5 млн. дона экилган 1, 2, 3, 4 ва 5 вариантларида 97 кунни, экиш меъёри 3,0 млн. дона экилган 6, 7, 8, 9 ва 10 вариантларида 95 кунни, экиш меъёри 3,5 млн. дона экилган 11, 12, 13, 14 ва 15 вариантларида 93 кунни ташкил қилди. Униб чиқиш-найчалаш даври экиш меъёри 2,5 млн. дона экилган назорат (ўғитсиз) 1-вариантида 116 кунни, маъданли ўғитлар P₃₀K₃₀ Фон, Фон+N₃₀, Фон+N₄₀, ва Фон+N₅₀ қўлланилган 2, 3, 4 ва 5 вариантларида 117-119 кунни, экиш меъёри 3,0 млн. дона экилган назорат (ўғитсиз) 6-вариантида 115 кунни, маъданли ўғитлар P₃₀K₃₀ Фон, Фон+N₃₀, Фон+N₄₀, ва Фон+N₅₀ қўлланилган 7, 8, 9 ва 10 вариантларида 116-118 кунни, экиш меъёри 3,5 млн. дона экилган назорат (ўғитсиз) 11-вариантида 113 кунни, маъданли ўғитлар P₃₀K₃₀ Фон, Фон+N₃₀, Фон+N₄₀, ва Фон+N₅₀ қўлланилган 12, 13, 14 ва 15 вариантларида 114-116 кун бўлди. Униб чиқиш-бошоқлаш даври тажрибанинг экиш меъёри 2,5 млн. дона экилган назорат (ўғитсиз) 1-вариантида 145 кунни, маъданли ўғитлар P₃₀K₃₀ Фон, Фон+N₃₀, Фон+N₄₀, ва Фон+N₅₀ қўлланилган 2, 3, 4 ва 5 вариантларида 146-147 кунни, экиш меъёри 3,0 млн. дона экилган назорат (ўғитсиз) 6-вариантида 144 кунни, маъданли ўғитлар P₃₀K₃₀ Фон, Фон+N₃₀, Фон+N₄₀, ва Фон+N₅₀ қўлланилган 7, 8, 9 ва 10 вариантларида 145-146 кунни, экиш меъёри 3,5 млн. дона экилган назорат (ўғитсиз) 11-вариантида 143 кунни, маъданли ўғитлар P₃₀K₃₀ Фон, Фон+N₃₀, Фон+N₄₀, ва Фон+N₅₀ қўлланилган 12, 13, 14 ва 15 вариантларида 144-145 кун бўлгани кузатилди. Униб чиқиш-тўлиқ пишиш даври экиш меъёри 2,5 млн. дона экилган назорат (ўғитсиз) 1-вариантида 187 кунни, маъданли ўғитлар P₃₀K₃₀ Фон, Фон+N₃₀, Фон+N₄₀, ва Фон+N₅₀ қўлланилган 2, 3, 4 ва 5 вариантларида 188-189 кунни, экиш меъёри 3,0 млн. дона экилган назорат (ўғитсиз) 6-вариантида 185 кунни, маъданли ўғитлар P₃₀K₃₀ Фон, Фон+N₃₀, Фон+N₄₀, ва Фон+N₅₀ қўлланилган 7, 8, 9 ва 10 вариантларида 186-187 кунни, экиш меъёри 3,5 млн. дона экилган назорат (ўғитсиз) 11-вариантида 183 кунни, маъданли ўғитлар P₃₀K₃₀ Фон, Фон+N₃₀, Фон+N₄₀, ва Фон+N₅₀ қўлланилган 12, 13, 14 ва 15 вариантларида 184-185 кун бўлгани аниқланди.

Тритикаленинг кузги экиш муддатлари бўйича олинган маълумотлар бўйича хулоса қилинганда тритикаледа экиш меъёрларини гектарига 2,5 млн. донадан 3,0 млн. донага оширилиши ўсув даврини 2-3 кунга, 3,5 млн. донага оширилиши эса 3-4 кунга қисқартиради.

Тажрибанинг баҳорги (20-28.02) муддатда экиш меъёри 2,5, 3,0 ва 3,5 млн. дона унувчан уруғ ҳисобида экилганда уруғларнинг униб чиқиши 18 кунни, униб чиқиш-туплаш даври экиш меъёри 2,5 млн. дона экилган 16, 17, 18, 19 ва 20 вариантларида 34 кунни, экиш меъёри 3,0 млн. дона экилган 21, 22, 23, 24 ва 25 вариантларида 32 кунни, экиш меъёри 3,5 млн. дона экилган 26, 27, 28, 29 ва 30 вариантларида 30 кунни ташкил қилди.

1-жадвал

Тритикаленинг ўсув давр давомийлигига экиш муддати, меъёри ва маъданли ўғитлар меъёрларининг таъсири, кун 2019 йил

	Экиш		Ривожланиш давлар давомийлиги
--	------	--	-------------------------------



№		Экиш меъёри, млн. дона/га	Маъданли ўғитлар меъёри, кг/га	Униб чиқиш	Униб чиқиш- туплаш	Униб чиқиш- найчалаш	Униб чиқиш- бошоқлаш	Униб чиқиш- тўлиқ пишиш
1	Кузги мўддат (1-10.11)	2,5 млн. дога/га (100)	Назорат (ўғитсиз)	38	97	116	145	187
2			Р30 К30 Фон	38	97	117	146	188
3			Фон+N30	38	97	117	146	188
4			Фон+N40	38	97	119	147	189
5			Фон+N50	38	97	119	147	189
6		3,0 млн. дона/га (120)	Назорат (ўғитсиз)	38	95	115	144	185
7			Р30 К30 Фон	38	95	116	145	186
8			Фон+N30	38	95	116	145	186
9			Фон+N40	38	95	118	146	187
10			Фон+N50	38	95	118	146	187
11		3,5 млн. дона/га (140)	Назорат (ўғитсиз)	38	93	113	143	183
12			Р30 К30 Фон	38	93	114	144	184
13			Фон+N30	38	93	114	144	184
14			Фон+N40	38	93	116	145	185
15			Фон+N50	38	93	116	145	185
16	Баҳорги мўддат (20.28.02)	2,5 млн. дога/га (100)	Назорат (ўғитсиз)	18	34	51	76	117
17			Р30 К30 Фон	18	34	53	78	119
18			Фон+N30	18	34	53	78	119
19			Фон+N40	18	34	55	80	121
20			Фон+N50	18	34	55	80	121
21		3,0 млн. дона/га (120)	Назорат (ўғитсиз)	18	32	49	74	115
22			Р30 К30 Фон	18	32	51	75	117
23			Фон+N30	18	32	51	75	117
24			Фон+N40	18	32	53	77	119
25			Фон+N50	18	32	53	77	119
26		3,5 млн. дона/га (140)	Назорат (ўғитсиз)	18	30	47	72	113
27			Р30 К30 Фон	18	30	49	73	115
28			Фон+N30	18	30	49	73	115
29			Фон+N40	18	30	51	75	117
30			Фон+N50	18	30	51	75	117

Униб чиқиш-найчалаш даври экиш меъёри 2,5 млн. дона экилган назорат (ўғитсиз) 16-вариантида 51 кунни, маъданли ўғитлар Р₃₀К₃₀ Фон, Фон+N₃₀, Фон+N₄₀, ва Фон+N₅₀ қўлланилган 17, 18, 19 ва 20 вариантларида 53-55 кунни, экиш меъёри 3,0 млн. дона экилган назорат (ўғитсиз) 21-вариантида 49 кунни, маъданли ўғитлар Р₃₀К₃₀ Фон, Фон+N₃₀, Фон+N₄₀, ва Фон+N₅₀ қўлланилган 22, 23, 24 ва 25 вариантларида 51-53 кун, экиш меъёри 3,5 млн. дона экилган назорат (ўғитсиз) 26-вариантида 47 кунни, маъданли ўғитлар Р₃₀К₃₀ Фон, Фон+N₃₀, Фон+N₄₀, ва Фон+N₅₀ қўлланилган 27, 28, 29 ва 30 вариантларида 49-51 кун бўлди.

Униб чиқиш-бошоқлаш даври тажрибанинг экиш меъёри 2,5 млн. дона экилган назорат (ўғитсиз) 16-вариантида 76 кунни, маъданли ўғитлар Р₃₀К₃₀ Фон, Фон+N₃₀, Фон+N₄₀, ва Фон+N₅₀ қўлланилган 17, 18, 19 ва 20 вариантларида 78-80 кунни, экиш меъёри 3,0 млн. дона экилган назорат



(ўғитсиз) 21-вариантида 74 кунни, маъданли ўғитлар $P_{30}K_{30}$ Фон, Фон+N₃₀, Фон+N₄₀, ва Фон+N₅₀ қўлланилган 22, 23, 24 ва 25 вариантларида 75-77 кунни, экиш меъёри 3,5 млн. дона экилган назорат (ўғитсиз) 26-вариантида 72 кунни, маъданли ўғитлар $P_{30}K_{30}$ Фон, Фон+N₃₀, Фон+N₄₀, ва Фон+N₅₀ қўлланилган 27, 28, 29 ва 30 вариантларида 73-75 кун бўлгани кузатилди.

Униб чиқиш-тўлиқ пишиш даври экиш меъёри 2,5 млн. дона экилган назорат (ўғитсиз) 16-вариантида 117 кунни, маъданли ўғитлар $P_{30}K_{30}$ Фон, Фон+N₃₀, Фон+N₄₀, ва Фон+N₅₀ қўлланилган 17, 18, 19 ва 20 вариантларида 119-121 кунни, экиш меъёри 3,0 млн. дона экилган назорат (ўғитсиз) 21-вариантида 115 кунни, маъданли ўғитлар $P_{30}K_{30}$ Фон, Фон+N₃₀, Фон+N₄₀, ва Фон+N₅₀ қўлланилган 22, 23, 24 ва 25 вариантларида 117-119 кунни, экиш меъёри 3,5 млн. дона экилган назорат (ўғитсиз) 26-вариантида 113 кунни, маъданли ўғитлар $P_{30}K_{30}$ Фон, Фон+N₃₀, Фон+N₄₀, ва Фон+N₅₀ қўлланилган 27, 28, 29 ва 30 вариантларида 115-117 кун бўлгани тажрибада кузатилди.

Олинган натижаларга асосланиб хулоса қилиш мумкинки, тритикалени маъданли ўғитлар билан озиклантириш униб чиқиш даврига умуман таъсири кузатилмади аммо, униб чиқиш-туплаш, униб чиқиш-найчалаш, униб чиқиш- бошоқлаш ва униб чиқиш-тўлиқ пишиш давларида экиш меъёрлари ва маъданли ўғитлар билан озиклантириш ўз таъсирини кўрсатди. Тритикалени кузги экиш муддатида экиш меъёрларини гектарига 2,5 млн. донадан 3,0 млн. донага оширилиши ўсув даврини 2-3 кунга, 3,5 млн. донага оширилиши эса 3-4 кунга қисқартиради. Шунингдек, $P_{30}K_{30}$ фонида азотли ўғитлар меъёрини гектарига 30 кгдан 40, 50 кг.га ошириб борилиши ўсув даврини 1-2 кунга узайтиради.

Хулоса, Тритикалени баҳорги экиш муддатида экиш меъёрларини гектарига 2,5 млн. донадан 3,0 млн. донага оширилиши ўсув даврини 2 кунга, 3,5 млн. донага оширилиши эса 4 кунга қисқартиради. Маъдан ўғитларни $P_{30}K_{30}$ фонида азотли ўғитлар меъёрини гектарига 30 кгдан 40, 50 кг.га ошириб борилиши ўсув даврини 1-2 кунга узайтиради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ёдгоров Н. Суғориш ва ўғитлар меъёрининг кузги буғдой навлари пишиш даври давомийлигига таъсири. Агро илм // №6 (69)-сон, 2020.-29-31-б.
2. Ёдгоров Н., Холиков Б., Шахובהва М., Туринова А., Турли тупроқ иқлим шароитларида суғориш режими ва маъдан ўғит меъёрларининг кузги буғдой ривожланиш давлари ўтишига таъсири. Агро илм // №3 (73)- сон, 2021. -78-80-б.
3. Котенко Ю.Н., Рубец В.С., Пыльнев В.В. Влияние метеорологических условий вегетации на фазы развития зерна тритикале// Тритикале. Материалы международной научно-практической конференции «Тритикале и стабилизация производства зерна, кормов и продуктов их переработки». – Ростовна-Дону, 2018 й. – С. 80-89.
4. Носатовский А. И. Пшеница. Биология – М. Государственное изд-во сельскохозяйственной литературы, 1965 г. – С. 407.
5. Ригин В.Н., Орлова И.Н. Пшенично-ржаные амфидиплоиды–Л. Колос, 1977. –С. 280.
6. Скатова С.Е., Тыйсленко А.М. Яровое тритикале: возделывание в нечерноземной зоне России. ФГБНУ ВНИИОУ ФГБНУ Владимирский НИИСХ. Владимир 2017 г. -С. 3-9,
7. Грабовец А.И., Крохмаль А.В. Тритикале: монография // Ростовна-Дону: ООО «Издательство «Юг», 2019 г. – С.240.
8. Митрошина О. В. Избирательность оплодотворения у сортов вторичной гексаплоидной тритикале: дис. канд. с.-х. наук: 06.01.05. – М., 2015 г. – С. 166.
9. Botirova Sevara Mamurovna, Tursunov Ramziddin Abdixalil o‘g‘li. (2025). ma’naviy barkamol yoshlar yangi o‘zbekiston bunyodkori. *ma’naviy barkamol yoshlar yangi o‘zbekiston bunyodkori*, 1(1), 98-102.

KOREYADAGI O‘ZBEKISTONLIK MEHNAT MIGRANTLARINING IJTIMOIIY HOLATI VA MADANIY IDENTIFIKATSIYA JARAYONLARI

Rahimberdiyev Sardorbek Bekmurod o‘g‘li

Toshkent Kimyo Xalqaro Universiteti Namangan filiali, Ijtimoiy-gumanitar fanlar kafedrası o‘qituvchisi.

Tel: +998 (93)-793-00-95. E-mail: sardorbek.rakhimberdiyev@mail.ru

Annotatsiya: *Ushbu maqola Koreya Respublikasida mehnat qilayotgan o‘zbek mehnat muhojirlarining ijtimoiy mavqei, madaniy o‘ziga xosligi va diaspora tarmoqlarining shakllanishini*